

АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ҚОНУНЧИЛИГИДА БОЖХОНА ТҮҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗИШ ЖИНОЯТИНИНГ ПРЕДМЕТИ

Элмурод Дилмурадович Мухамадалиев
Тошкент давлат юридик университети ўқитувчisi

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада айрим хорижий давлатлар қонунчилегида божхона түғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятининг предметига доир масалалар баён этилган. Шунингдек, жиноятнинг предметига доир Жиноят ҳуқуқи назариясини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар берилган.

Калит сўзлари: Божхона, ҳужжатлар, жиноят, жазо, жавобгарлик, жуда кўп, миқдор, иқтисодиёт, предмет, хуфёна.

КИРИШ

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг ривожланиши ҳамда хорижий давлатлар билан иқтисодий муносабатларнинг жадаллашгани натижасида иқтисодиёт соҳасида солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, контрабанда товарларни олиб кириш каби жиноятлар ҳам учраб турибди. Жиноят кодексининг 182-моддасида назарда тутилган божхона түғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жинояти иқтисодиёт соҳасидаги ижтимоий муносабатларга катта хавф туғдиради.

Давлатимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида божхона түғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш уюшган-коррупциялашган, алдаш-гаразли ва кўпчилик ҳолларда давлатлараро жиноятчиликнинг барқарор белгиларига эга бўлиб, сифат жихатидан ривожланиш тенденциясига эга. Ушбу жиноят соҳасидаги жуда катта даромадлар хуфёна иқтисодиёт асосларидан бири бўлиб ҳисобланади. Айнан шу соҳа латентликнинг юқори коэффициентига эга, чунки бунда уюшганлик ва коррупциянинг даражаси юқоридир.

Шулардан келиб чиқиб, айрим хорижий давлатлар қонунчилегида божхона түғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятининг предметига тўхталиб ўтамиз.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

МДҲга аъзо аксарият мамлакатларда божхона чегараси орқали ўtkazilgan ҳар қандай товар, материал ёки

қимматликларни контрабанда предмети сифатида баҳоланади. Жумладан, Озарбайжон Республикаси Жиноят кодекси 206-моддаси 1-қисми, Грузия Республикаси Жиноят кодекси 214-моддаси 1-қисми, Россия Федерацииси Жиноят кодекси 188-моддаси 1-қисми, Молдова Республикаси Жиноят кодекси 248-моддаси 1-қисми, Тожикистон Республикаси Жиноят кодекси 289-моддаси 1-қисми, Украина Жиноят кодекси 201-моддаси 1-қисмига кўра, ҳар қандай товар, қимматликлар ёки бошқа предметларни божхона чегараси орқали ўтказиш контрабанда сифатида квалификация қилинади. Аммо, барча мамлакатларда предметларнинг микдори аҳамият касб этиб, бундай қилмиш кўп микдордаги товар, қимматликлар ёки бошқа предметларни ўтказиш орқали содир этилсагина жиноят сифатида баҳоланганди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Жумладан, Грузия Республикаси Жиноят кодекси 214-моддаси 1-қисмида божхона назоратини айланиб ўтиш орқали ёки ундан яширинча, божхона ҳужжатлари ёки воситаларидан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларацияга ёлғон маълумотларни киритиш орқали ҳаракатдаги нарсаларни Грузия божхона чегараси орқали кўп микдорда олиб кириш ёки олиб чиқиш учун, иккинчи қисмда эса, ўша ҳаракатлар жуда кўп микдорда содир этилган қилмиш учун жавобгарлик белгиланган.

Шунга эътибор қаратиш лозимки, мазкур мамлакатлар Жиноят кодексларида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидан фарқли равища тегишли модда баёнидан сўнг, “кўп микдор”, “жуда кўп микдор” тушунчаларига изоҳ берилган. Жумладан, Озарбайжон Республикаси Жиноят кодекси 206-моддаси баёнидан сўнг келтирилган изоҳга кўра, “мазкур моддада келтирилган контрабанда предметларини “кўп микдорда” ўтказиш деганда, 4 000 манатдан кўп бўлган микдор назарда тутилган”.

Грузия Республикаси Жиноят кодекси 214-моддасидан сўнг келтирилган изоҳда “мазкур моддада келтирилган кўп микдор деганда, 15 000 лардан ортиқ сумма, жуда кўп микдор деганда, эса 25 000 лардан ортиқ суммадаги нарсалар назарда тутилган”. Украина Жиноят кодексига кўра, контрабанда товарларида кўп микдор деганда, фуқароларнинг энг кам микдордаги даромад солиғидан 1000 ва ундан ортиқ баравари суммадаги микдор тушунилади.

Арманистон Республикаси Жиноят кодекси 215-моддаси 1-қисми диспозициясида “Контрабанда, яъни божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб

ёхуд божхона ёки бошқа хужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб мазкур модданинг 2-қисмида назарда тутилган товарлар ва бошқа қимматликлардан ташқари товарлар, маданий ёдгорликлар ёки бошқа қимматликларни Арманистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш”, деб қайд этилган. Яъни, Арманистон Республикасида қилмишни контрабанда сифатида квалификация қилиш учун божхона чегараси орқали ўтказилган товарлар ва бошқа қимматликларнинг миқдори аҳамиятга эга эмас.

Туркманистон ва Беларусь Республикаси Жиноят кодексларида эса, “божхона чегарасидан ўтказиш чекланган ёки тақиқланган” ёхуд “божхона чегараси орқали ўтказишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган” товарлар ёки қимматликлар контрабандада предмети сифатида қаралади. Жумладан, Беларусь Республикаси Жиноят кодекси 228-моддаси 1-қисми диспозициясида “Контрабанда, яъни божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ёки бошқа хужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган хужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки ишончсиз эканлиги аён бўлган декларациядан фойдаланиб мазкур модданинг 2-қисмида назарда тутилган товарлар ва бошқа қимматликлардан ташқари божхона чегарасидан ўтказиш тақиқланган ёки чекланган товарлар ва бошқа қимматликларни Беларусь Республикасининг божхона чегарасидан кўп миқдорда ўтказиш”, деб белгиланган. Туркманистон Республикаси Жиноят кодекси 254-моддаси 1-қисми диспозициясида эса, “Контрабанда, яъни божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона хужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган хужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки ишончсиз декларациядан фойдаланиб ушбу модданинг 2-, 3-қисмида кўрсатилганлардан ташқари Туркманистон божхона чегараси орқали ўтказишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган товарлар ёки бошқа предметларни божхона чегараси орқали кўп миқдорда ўтказиш”, деб қайд этилган.

Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексида ҳам ҳар қандай товар ёки қимматликлар контрабандада предмети ҳисобланмайди. Қозоғистон Жиноят кодексида бошқа давлатлар Жиноят кодексларида назарда тутилмаган битта жиҳат мавжуд. Кодекснинг 209-моддасида “иқтисодий контрабанда”, яъни божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона хужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган хужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки ишончсиз декларациядан фойдаланиб Қозоғистон

Республикаси Жиноят кодексининг 250-моддасида кўрсатилган товарлар ёки бошқа предметлардан ташқари божхона чегараси орқали ўтказишнинг маҳсус қоидалари белгиланганлиги туфайли божхона чегарасидан ўтказиш чекланган ёки тақиқланган товарлар, нарсалар ёки қимматликларни божхона иттифоқи чегараси орқали қўп миқдорда ўтказиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Бундан қўринадики, иқтисодий контрабанда предмети “божхона чегараси орқали ўтказишнинг маҳсус қоидалари белгиланганлиги туфайли божхона чегарасидан ўтказиш чекланган ёки тақиқланган товарлар, нарсалар ёки қимматликлар” хисобланади.

Озарбайжон Республикаси божхона чегарасидан белгиланган тартиба мувофиқ ўтказиладиган маданий, тарихий ва археологик қимматга эга бўлган предметлар контрабанда предмети сифатида белгилаб қўйилган. Бугунги кунда бундай предметларни божхона чегараси орқали қонунга хилоф равища ўтказиш Ўзбекистон Республикасида Жиноят кодексининг 182-моддаси (божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш) билан жиноий жавобгарликка тортилади. Бизнингча, стратегик аҳамиятга эга бўлган хомашёлар ҳамда маданий, тарихий ва археологик қимматга эга бўлган предметларни божхона чегараси орқали қонунга хилоф равища ўтказиш учун ҳам Ўзбекистон Жиноят кодекси орқали алоҳида жавобгарлик назарда тутиш мақсадга мувофиқ.

МДҲга аъзо мамлакатлар ЖКларида божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш учун жавобгарлик белгиланган нормалар қиёсий ўрганилганда, мазкур жиноят объектив томондан қўйидаги ҳаракатлар орқали содир этилади:

предметни божхона назоратини четлаб (Грузияда айланиб ўтиш орқали) божхона чегарасидан ўтказиш;

предметни божхона назоратидан яшириб божхона чегарасидан ўтказиш;

предметини божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб божхона чегарасидан ўтказиш;

предметни декларациясиз ёки ишончсиз (Беларусь Республикасида ишончсиз эканлиги аён бўтган) декларациядан фойдаланиб божхона чегарасидан ўтказиш;

предметни декларацияга ёлғон маълумотларни киритиш орқали божхона чегарасидан ўтказиш;

предметни божхона чегараси орқали олиб кириш қоидаларини бузиб божхона чегарасидан ўтказиш;

предметни божхона чегараси орқали олиб чиқиш қоидаларини бузиб божхона чегарасидан ўтказиш;

предметни яшириб ўтказиш учун махсус тайёрланган ёки сақлаш учун мослаштирилган яширин йўллар орқали божхона чегарасидан ўтказиш;

предметни қонунга хилоф равища божхона чегарасидан ўтказиш.

Ўзбекистон Республика Олий суди Плениумининг 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сонли “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорига кўра, товарларни божхона назоратини четлаб ўтказиш уларни Ўзбекистон Республикасининг божхона худудига Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ўтказиш пунктларидан ташқари ёки божхона назорати ўтказиш вақтидан ташқари олиб кириш ёки мазкур ҳудуддан олиб чиқишдан иборат ҳар қандай қасддан содир этилган ҳаракатда ифодаланади.

Агар товарларни қонунга хилоф равища божхона чегарасидан ўтказиш қонунга хилоф равища чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасида кириш билан боғлиқ тарзда содир этилса, шахснинг бундай ҳаракатлари ЖК 182 ва 223-моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи билан квалификация қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига мувофиқ, божхона чегарасидан олиб ўтиш товарлар ёки транспорт воситаларини ҳар қандай усуlda, шу жумладан халқаро почта жўнатмаларини юбориш, қувур транспортидан ҳамда электр узатиш линияларидан фойдаланиш йўли билан божхона худудига олиб кириш ёки олиб чиқиш ҳаракатларини амалга оширишни англатади.

Р.Кабуловнинг фикрича, товарларни олиб ўтиш (ёки бошқа тарзда кўчириш) назоратсиз ёки назоратдан яшириб ўтиш махсус тайёрланган нарса яширадиган ҳамёнлар, жойларда божхона чегарасидан бойликларни яшириб олиб ўтаётганда, шунингдек ушбу мақсадларда махсус мослашган идишлар ёки транспорт воситаларида пана жойлар, багажлар, кийим-кечаклар, озиқ-овқат маҳсулотлари (масалан, икки қават таглиги бўлган жамадон ёки консерва банкасидан фойдаланиш, кийимда бўшлиқ ёки нарса яширадиган жойларни қолдириш ва ҳоказолар)да намоён бўлади.

Шуни эътироф этиш лозимки, божхона назорати деганда, қонун хужжатлари ва халқаро шартномаларга риоя этилишини таъминлаш мақсадида божхона органлари амалга оширадиган тадбирлар мажмуи тушунилади.

Божхона тўғрисидаги қонун хужжатларини бузиш предметини божхона назоратини четлаган ҳолда ўтказиш деганда, божхона тўғрисидаги қонун хужжатларини бузиш буюмларининг уларни ўтказиш учун зарур бўлган тегишли хужжатларнинг божхона органи ходимлари текширувисиз, ёки божхона идоралари белгилаган жойлардан ўзга жойдан, ё бўлмаса божхона назоратини амалга ошириш вақтидан бошқа вақтда ўтказилиши тушунилади.

ХУЛОСА

Хулоса қиласидан бўлсак, божхона чегасидан ўтказиладиган товарлар ва бошқа предметларни уларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда З туркумга ажратиш мақсадга мувофиқ:

1) Жиноят кодексининг 246-моддасида назарда тутилган предметлар. 2) эркин фуқаролик муомаласида бўлган товарлар ва бошқа қимматликлар.
3) эркин фуқаролик муомасидан чиқарилган ёки эркин фуқаролик муомаласида бўлиши чекланган, яъни эркин фуқаролик муомаласида бўлмаган, лекин Жиноят кодексининг 246-моддасида назарда тутилмаган товарлар. Жиноят кодексига киритилиши таклиф қилинаётган 182¹-модда билан квалификация килинади.

REFERENCES

1. Уголовний кодекс Республики Азарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Россия Федерацияси, Молдова, Тожикистон, Туркманистон, Украина. [Электронний ресурс] режим доступа: <http://legislationonline.org/ru/legislation/php?tid=1&lid=7028>.
2. Уголовний кодекс Республики Азарбайжон, Арманистон, Беларусь, Грузия, Қозоғистон, Россия Федерацияси, Тожикистон, Туркманистон, Украина. [Электронний ресурс] режим доступа: <http://legislationonline.org/ru/legislation/php?tid=1&lid=7028>.
3. Уголовний кодекс Республики Азербайджан, Армения, Беларусь, Казахстан, Российской Федерации, Молдова, Таджикистон, Туркменистон. [Электронний ресурс] режим доступа: <http://legislationonline.org/ru/legislation/php?tid=1&lid=7028>.
4. Уголовний кодекс Республики Азербайджан, Беларусь, Казахстан, Российской Федерации, Молдова, Тожикистан, Туркменистан. [электронний ресурс] режим доступа: <http://legislationonline.org/ru/legislation/php?tid=1&lid=7028>.

5. Уголовний кодекс Республики Грузия. [Электронний ресурс] режим доступа: <http://legislationline.org/ru/legislation/php?tid=1&lid=7028>.
6. Уголовний кодекс Республики Грузия. [Электронний ресурс] режим доступа: <http://legislationline.org/ru/legislation/php?tid=1&lid=7028>.
7. Уголовний кодекс Республики Грузия. [Электронний ресурс] режим доступа: <http://legislationline.org/ru/legislation/php?tid=1&lid=7028>.
8. Уголовний кодекс Республики Молдова. [Электронний ресурс] режим доступа: <http://legislationline.org/ru/legislation/php?tid=1&lid=7028>.
9. ¹Уголовний кодекс. Украины. [Электронний ресурс] режим доступа: <http://legislationline.org/ru/legislation/php?tid=1&lid=7028>.
10. Ўзбекистон Республика Олий суди Плениумининг 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сонли “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й., 3(1)-сон, 31-модда.
11. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. З.Х.Ғуломов, Р.А.Зуфаров, Р.К.Кабулов, М.М.Қодиров ва бошқ. – Тошкент: Адолат, 1997. – 232-233-бетлар